ФАРҒОНА ВИЛОЯТИНИНГ ПАХТАЧИЛИК ТАРИХИГА ОИД АРХИВ ФОНДЛАРИ ТАҲЛИЛИ

А.МИРЗАЕВ

Мақолада Туркистон ўлкасининг пахтачилик тарихига оид архив фондлари Фарғона вилояти мисолида таҳлил этилган. Мавзуга оид архив фондлари ҳужжатларнинг ички ва ташқи классификацияси асосида эмас, балки ўлкадаги маъмурий тизим, давлат ва нодавлат муассасалари фаолиятидан келиб чиқиб уч асосий туркумга бўлиб ўрганилган. Шунингдек, тегишли муассасаларнинг архив фондлари билан уларнинг фаолият йўналиши, иш юритиш тизими ва фондлари таркиби ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилган.

***Калит сўзлар**: архив, ширкат, биржа, плантация, даллол.*

В статье на примере Ферганской области проанализированы архивные фонды по истории хлопководства в Туркестанском крае. В ней архивные фонды, относящиеся к теме, разделены на три группы и изучены не на основе внутренней и внешней классификации документов, а, исходя из деятельности административной системы, работы государственных и негосударственных уч-

реждений. Приведены мнения специалистов об архивных фондах соответствующих учреждений и направлений их деятельности, о системе делопроизводства и структуре фондов.

***Ключевые слова**: архив, товарищество, биржа, плантация, маклер.*

In the article on the example of the Fergana region Archival Funds on the history of cotton growing in the Turkestan region have been studied. The archival collections related to the topic are divided into three groups and studied, not on the basis of internal and external classification of documents, and on the basis of the administrative system of the governmental and non-governmental institutions. In addition, the views of the archival holdings of the relevant institutions and their activities on the system and structure of funds.

***Key words**: archives, association, exchange, plantation, broker.*

Туркистон генерал-губернаторлиги таркибидаги Фарғона вилояти 1876 йил 19 февралда тугатилган Қўқон хонлиги ўрнида тузилган бўлиб, у собиқ хонликнинг деҳқончилик энг ривожланган ҳудуди эди. Шунинг учун ҳам кўп ўтмай, вилоят пахтачиликка ихтисослашиб, Россия империяси саноати учун жуда муҳим бўлган хом ашё базасига айланди. Республикамиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур» [1.24-25]. Ушбу масалада айтиш лозимки, ўзбек халқининг ҳаққоний тарихини тиклашда архив ҳужжатларининг аҳамияти каттадир [2.4]. Таъкидлаш жоизки, Фарғона вилоятида 1876-1917 йиллардаги пахтачилик ҳолатини ўрганишда даврий ва статистик нашрлар мавжуд бўлиб, улар орасида, шубҳасиз, архив материаллари алоҳида аҳамият касб этади. Айнан Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида сақланаётган тарихий ҳужжатлар Фарғона водийсининг мустамлакачилик давридаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, қишлоқ хўжалиги ва шаҳарлар ҳаётини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Умуман олганда, мустамлакачилик даври ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид архив материаллари кўламининг кенглиги баъзи ҳолатларда уларни илмий муомалага киритишда айрим муаммоларни ҳам юзага келтиради. Шу сабабли ҳам архив ҳужжатларининг характери ва турли муаммоларни ўзида акс эттиришига қараб туркумлаш ишлари йўлга қўйилган. Жумладан, Туркистондаги айрим савдо-саноат корхоналари фаолиятига оид архив ҳужжатларини ўрганган Н.Потапова қуйидаги уч туркумда: 1) расмий; 2) ишлаб чиқариш ва 3) статистик характердаги классификациялаш фикрини илгари суради.

Муаллиф Туркистон ўлкасидаги маъмурий идоралар – Туркистон генерал-губернатори девонхонаси, Фарғона ҳарбий губернатори бошқармаси девонхонаси, вилоятлар бошқармалари ҳамда давлат идораларини биринчи туркумга киритади. Иккинчи туркумга саноат корхоналарини, учинчи туркумга эса «Туркестанское сельское хозяйство», «Бюллетень Центрального хлопкового комитета» каби идоралар статистик нашрларини киритган [3.58].

Бизнинг мақсадимиз эса Туркистонда пахтачилик тарихини ўрганишга доир архив фондларини ушбу соҳа кенг ривожланган Фарғона вилояти мисолида таҳлил қилишга қаратилган. Бунинг учун пахтачилик мавзусига алоқадор архив фондларини, уларнинг характеридан келиб чиқиб, қуйидаги учта йирик туркумга ажратиб тавсифлаш мақсадга мувофиқ:

– маъмурий-бошқарув тизимига тегишли фондлар;

– давлат муассасалари ва уларнинг вилоятдаги бўлинмалари фондлари;

– савдо-саноат ширкатлари фондлари.

Биз ушбу мақолада, юқоридаги уч гуруҳга мансуб муассасалар фаолияти ҳамда уларнинг айримларини архив фондларида мавжуд бўлган, Фарғона вилоятида пахтачилик масалаларига оид материалларнинг илмий аҳамиятини таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

Маъмурий-бошқарув тизимига тегишли фондлар. Мазкур туркумдаги архив фондлари Туркистон генерал губернаторлиги маъмурий бошқарув органлари фаолиятига тегишли бўлиб, генерал-губернатор девонхонаси, Туркистон генерал-губернатори Кенгаши, Фарғона вилояти ҳарбий губернатори девонхонаси ва унинг коллегиал органи – Вилоят бошқармаси ҳамда уезд ва волость тузилмаларининг иш ҳужжатларидан иборат. Туркистон генерал-губернаторлиги Маҳкамасининг Фарғона вилояти ҳарбий губернатори билан циркуляр шаклидаги ёзишмаларида пахта сиёсатининг асл моҳияти акс этган. Генерал-губернаторнинг шахсан ўзи раҳбарлик қилган Туркистон генерал губернатори Кенгаши (1887-1917 йй.) ўз фаолиятида асосан қонунчилик масалалари, умумдавлат мажбуриятлари ва солиқ тизимини назорат қилишни амалга оширган. Фонддаги айрим йиғма жилдларда ўлкада, хусусан, Фарғона

вилоятида пахтачиликни ривожлантириш ва уни молиялаштириш мақсадида банк кредитларини йўлга қўйиш масалалари акс этган [4].

1877 йил 3 январдан Фарғона вилояти ҳарбий губернатори девонхонаси фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, у ўз таркибига кўра, асосан, ижтимоий-сиёсий характерда бўлса-да, ундаги завод-фабрикаларнинг фаолияти билан боғлиқ материаллар, вилоятда пахтачилик тарихига оид архив ҳужжатларини мазмунан бойитиши билан аҳамиятга молик (276-фонд, 1877 -1880 йй.).

Фарғона вилоятида пахтачилик масаласига оид энг муҳим фондлардан бири «Фарғона вилоят бошқармаси» фондидир [5.2-13]. Ушбу туркумга кирувчи қуйи маъмурий идоралар архив фондларини – Фарғона вилояти ҳудудидаги уезд ва приставлар бошқармалари фаолиятига тегишли ҳужжатлар ташкил этади. Вилоят таркибида ташкил этилган ва пахтачиликка ихтисослашган Қўқон, Марғилон, Андижон ва Наманган уезд маҳкамалари фондлари шулар жумласидандир [6].

Бундан ташқари, уездлар таркибидаги айрим участка приставлари фаолиятига тегишли фондлар ҳам сақланиб қолган. Масалан, Марғилон уездининг Қува ва Олтиариқ, Андижон уездидаги Бозорқўрғон участка приставларига тегишли ишлар сақланган бўлиб, ҳажм жиҳатидан турлича бўлса-да, уларда пахтачилик масалалари ёритилиши билан аҳамиятлидир [7].

Давлат муассасалари ва уларнинг вилоятдаги бўлинмалари фондлари. Туркистондаги қатор давлат муассасаларининг иш юзасидан ҳужжат алмашинуви доирасида пахтачилик соҳасини ҳам четлаб ўтмаганини кўриш мумкин [8.120-121].

Давлат муассасалари маҳкамаларига тегишли архив фондлари орасида «Туркистон ўлкасидаги зироатчилик ва давлат мулклари бошқармаси», «Туркистон хазина палатаси», «Қўқон Биржа қўмитаси», Янги Марғилон (Скобелев) округ суди, Янги Марғилон округ судининг суд пристави фондлари муҳим ўрин тутади [9].

«Туркистон ўлкаси зироатчилик ва давлат мулклари бошқармаси» фондида пахтакорлар съезди йиғилиш журналлари, вилоятдаги агроном ва инструкторларнинг йиллик ҳисоботлари, пахтачилик тажриба участкалари билан олиб борилган ёзишмалар, уларнинг ҳисоботлари, ирригация ва гидротехника масалалари қамраб олинган. Шунингдек, 1907-1910 йилларда Туркистон ўлкаси бўйича пахта зараркурандаларига қарши олиб борилган назарий (ўқув қўлланмалар нашр қилиш, маҳаллий тилга таржималар қилиш) ва амалий (молиявий маблағлар ажратиш, тажриба ўтказиш, жойларда машғулотлар ташкил этиш) ишлар, тарғибот-ташвиқот тадбирлари акс этган [10].

Туркистон ўлкасидаги йирик пахта тажриба участкаларидан бўлган Андижон пахта тажриба даласининг 1903-1913 йиллардаги фаолиятини ёритиб берувчи ўндан ортиқ йиғма жилдлар [11], кейинчалик эса Андижон қишлоқ хўжалик тажриба станцияси [12] ва Андижон қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари омбори [13] фаолияти билан боғлиқ йиғма жилдлар мазкур муассаса фондидан ўрин олган.

Туркистон Хазина Палатаси фонди Фарғона вилоятида пахтачиликнинг йўлга қўйилиши ва унинг хом ашё базасига айлантирилиши масалаларини ёритишда алоҳида ўрин тутади. Мазкур фондда пахта экин майдонлари ва ҳосилдорлик тўғрисида статистик маълумотлар, вилоятнинг уезд ва волостларида жойлашган пахта тозалаш ва пресслаш (тойлаш) заводлари, уларда маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни ҳақида маълумотлар мавжуд эканлигини таъкидлаш жоиз [14].

1906-1918 йилларда фаолият юритган Қўқон биржа қўмитаси эса асосан пахта биржаси бўлган. Бу биржа фондида сақланган ҳужжатларда Россиянинг марказий районларига темир йўл орқали Фарғона вилоятидан пахта толасининг ташиб олиб кетилиши ва толанинг нархи, пахта майдонларининг кенгайиб бориши, маҳаллий пахта савдосини ташкил қилишга оид маълумотлар акс этган [15].

Янги Марғилон округ суди фондига тегишли ҳужжатларда пахта етиштириш, пахта савдоси ва уни етказиб бериш борасида маҳаллий аҳоли ҳамда савдо-саноат муассасалари ўртасидаги муносабатлар ўз аксини топган [16]. Масалан, фуқаролик судида кўрилган Ширкатлар ҳамда маҳаллий савдогарлар, пахта етказиб берувчи чистачилар ўртасида тузилган шартномаларнинг бажарилмаслиги натижасида юзага келган мажоролар ва уларнинг тақдири (мол-мулк мусодараси, жарималар) ҳақида қимматли маълумотлар, вилоятда мустамлакачилик шароитида пахта савдосининг ҳуқуқий асосларини кенгроқ тасаввур қилиш имконини беради [17]. Шунингдек, Фарғона вилояти маркази ва уездларида 1890-1917 йилларда фаолият олиб борган нотариал идоралар материалларида ҳам пахтачилик мавзусига алоқадор ишлар учраб туради. Улар мазмунига кўра, асосан, пахта савдоси билан шуғулланувчи ширкатлар, маҳаллий чистачилар ва давлат ҳамда нодавлат идоралар ўртасида тузилган ҳужжатлардан иборат [18]. Шунингдек, Скобелев, Қўқон, Андижон шаҳарларидаги нотариал идоралар фондларида ҳам пахтачилик маз-

мунидаги ҳужжатлар туркумини учратиш мумкин [19].

Бундан ташқари, Туркистон пахта арбитраж қўмитаси фаолиятига оид архив ҳужжатларини ҳам ушбу туркумга киритиш мумкин. Қўмита, асосан, енгил саноат учун юқори навли ва олий сифатли пахта толаси савдосини ташкил этувчи коллегиал-назорат қилиш органи ҳисобланган. Мазкур фондда қўмитанинг пахта саноатини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, пахта билан шуғулланувчиларга ссуда(қарз)лар ажратиш масаласида давлат ташкилотлари билан олиб борган ёзишмалари, пахта навларини аниқлаш ва пахта хом ашёсини қайта ишлаш, давлат стандартлари бўйича классификациясини ишлаб чиқиш, пахта савдосига оид статистик материаллар бу соҳада ўлкада, шунингдек, асосий пахтачилик минтақаси бўлган Фарғона вилоятида юз берган жараёнларни ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади [20].

Вилоятдаги банк муассасаларига тегишли архив фондларида ҳам пахтачилик мавзусига алоқадор материаллар ўрин олган. Жумладан, Россия қўшма банки, Москва халқаро савдо банки ҳамда Рус ташқи савдо банкининг Қўқондаги бўлимлари [21] шулар жумласига киради.

Туркистон ўлкаси савдо-саноат ширкатлари фондлари. Россия империяси сиёсий доираларида Ўрта Осиё масаласи қанчалик аҳамият касб этган бўлса, пахта хом ашёси ҳам саноатчи сармоядорлар учун шу қадар муҳим ўрин эгаллаган. Шунинг учун ҳам ўлка босиб олинган илк йилларданоқ савдо-саноат ширкатлари фаолияти кенг қулоч ёйди.

Фарғона вилоятида пахтачилик тарихига тегишли архив фондлари орасида Ярославль Катта мануфактураси ширкати иш ҳужжатлари ҳажмининг йириклиги ва материалларга бойлиги билан ажралиб туради. Ширкат ўлкада катта пахта плантацияларини шакллантирди, Бухоро ва Фарғонада пахта заводларини қуриб ишга туширди. Лекин ширкатнинг асосий эътибори Фарғона водийсига қаратилди ва Андижон, Қўқон, Марғилон, Наманган, Скобелев, Қува ва Андреев хуторида ўз идораларини очди.

Ширкатнинг Туркистон ўлкасидаги асосий фаолияти пахтани қабул қилиш пунктлари ва пахтани қайта ишлаш заводлари ҳамда омборларини ташкил қилиш, пахтани экиш ва сотиб олиш, уни қайта ишлаш ва толасини Россиянинг тўқимачилик фабрикаларига жўнатишга қаратилган эди. Мазкур фонд ҳужжатлари таҳлили Фарғона вилоятида пахтачилик саноати тарихи доирасидаги тасаввурларимизни янада бойитади [22].

«Ака-ука Крафтлар» савдо уйи фирмаси вакиллари томонидан Қўқонда ташкил этилган муассаса – савдо уйи асосий фаолиятини Фарғона водийсида олиб бориб, тез орада вилоятнинг барча уездларида ўз идоралари ишини йўлга қўйишга муваффақ бўлган. Асосан, пахта хом ашёсини сотиб олиш, қайта ишлаш ва толасини сотиш билан шуғулланган «Савдо уйи» кўплаб пахта тозалаш заводларига эгалик қилган [23].

Потеляхов пайчилик савдо-саноат ширкати ҳам Андижон, Тошкент, Хўжанд, Бухоро, Наманган, Асакада ўз бўлимларига эга бўлиб, асосан, пахта толасини сотиб олиш ва сотиш билан шуғулланган, пахта тозалаш заводларини барпо этган. Ширкат фаолиятини амалда унинг эгаси бўлган «Кноп» савдо уйи ва Москва савдогар банки назорат қилган [24].

«Вадьяевларнинг Қўқон шаҳридаги пайчилик савдо-саноат ширкати» ҳам пахта сотиб олиш ва сотиш билан шуғулланган. Ўлкада 9 та пахта заводи ва бошка кўчмас мулкларга эгалик қилган. Ширкатнинг Марказий Давлат архивидаги асосий 97-фондида бугунги кунда 132 та йиғма жилд мавжуд бўлиб, 1906-1916 йилларни қамраб олади. Бундан ташқари, Ширкатнинг Қўқон шаҳридаги пахта заводи ва Скобелев конторалариниг фаолиятига оид 16 та йиғма жилди ҳам сақланган [25].

Пахтачилик соҳасида Қўқонда иш юритган яна бир савдо-саноат ташкилоти – «Искандар» савдо-саноат пайчилик ширкатининг Қўқон контораси» ҳам пахта сотиб олиш ва сотиш билан шуғулланиб, ўлкада бир қатор пахта тозалаш заводларига эгалик қилган. Ширкат фондида савдо фирмалари билан молиявий ёзишмалари, пахта заводларини таъмирлаш, бозорда пахта бўйича рақобат масалаларига тегишли йўриқномалар ва пахта суғуртаси билан боғлиқ материаллар жамланган [26].

Юқоридагиларни хулосалаб айтиш мумкинки, Туркистон генерал-губернаторлиги таркибидаги Фарғона вилоятида пахтачилик тарихини ўрганишда ўлкадаги маъмурий бошқарув ҳамда давлат ва нодавлат муассасалар архив фондлари асосий манба бўлиб хизмат қилади. Ушбу архив фондлари таҳлили эса бизга Фарғона вилоятининг пахта хом ашё базасига айлантирилиши, маъмурий тизим ва пахтачилик соҳасидаги муассасаларнинг ўзаро муносабатлари ҳужжатларида пахтани етиштиришдан бошлаб то унинг хом ашё ва тола шаклида ташиб олиб кетилгунига қадар бўлган жараённи ўрганиш имконини беради.

Адабиётлар:

1. Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998.
2. Алимов И.А. Архившунослик. Ўқув қўлланма. – Андижон, 2005.
3. Потапова Н. Обзор архивных источников по истории предпринимательства в Туркестане во второй половине XIX – начале XX века // История Узбекистана.- 2001.- №1.
4. ЎзР МДА, И.717-фонд, 1-рўйхат, 12-, 29-йиғма жилдлар.
5. ЎзР МДА, И.19-фонд, 1-рўйхат,126-йиғма жилд.
6. ЎзР МДА: И. 300-фонд, Қўқон уезди бошлиғи бошқармаси, 1876-1917 йй; И.23-фонд, Марғилон уезди бошлиғи бошқармаси, 1876-1917 йй; И.25-фонд, Андижон уезди бошлиғи бошқармаси, 1877-1917 йй; И.329-фонд, Наманган уезди бошлиғи бошқармаси, 1876-1917 йй.
7. ЎзР МДА: И.298-фонд, Марғилон уезди Қува участка пристави, 1900-1910 йй; И.358-фонд, Марғилон уезди Олтиариқ участка пристави, 1899-1901 йй; И.319-фонд, Андижон уезди Бозорқўрғон участка пристави, 1904-1916 йй.
8. Шепелев Л.Е. Работа исследователя с архивными документами. – М-Л.: Наука, 1966.
9. ЎзР МДА: И.7-фонд, 1897 - 1917 йй; И.87-фонд, 1869-1918 йй; И.90-фонд, 1906 - 1918 йй; И.350-фонд, 1899 – 1917 йй; И.507-фонд, 1899 - 1917 йй.
10. ЎзР МДА, И.7-фонд, 1-рўйхат, 2500, 2559, 2808, 3098, 3099-йиғма жилдлар; 6-рўйхат, 450-йиғма жилд.
11. ЎзР МДА, И.7-фонд, 1-рўйхат, 2657, 2730, 2731, 2789, 3053, 3215, 3226-йиғма жилдлар.
12. ЎзР МДА, И.7-фонд, 1-рўйхат, 3147-йиғма жилд.
13. ЎзР МДА, И.7-фонд, 1-рўйхат, 2812-йиғма жилд.
14. ЎзР МДА, И.87-фонд, 1869 - 1918 йй.
15. ЎзР МДА, И.90-фонд, 1906 - 1918 йй.
16. ЎзР МДА, И.350-фонд, 1899-1917 йй.
17. ЎзР МДА, И.350-фонд, 1-рўйхат, 2562, 2691, 2895, 3162-йиғма жилдлар.
18. ЎзР МДА, И.506, 626, 629, 631, 632, 633, 634, 635, 637, 660, 663-фондлар.
19. ЎзР МДА: И.629-фонд, Скобелев нотариал архиви, 1903-1917 йй.; И.632-фонд, Қўқонлик нотариус А.Л.Фрайбергер конторaси, 1895-1904 йй.; И.637-фонд, Андижон шаҳар нотариуси конторaси, 1907–1915 йй.; И.660-фонд, Қўқонлик нотариус В.Ф.Рабиза конторaси, 1903-1917 йй; И.663-фонд, Скобелевлик нотариус П.А.Спасибухов конторaси, 1906–1914 йй.
20. ЎзР МДА., И.264-фонд, 1891-1896 йй.
21. ЎзР МДА: И.116-фонд, Қўшма Банкнинг Қўқон бўлими, 1910-1915 йй.; И.124-фонд. Москва халқаро савдо банкининг Қўқон бўлими, 1897 - 1907 йй.; И.118-фонд. Рус ташқи савдо банкининг Қўқон бўлими, 1907-1917 йй.;
22. ЎзР МДА, И.99-фонд, 1888-1918 йй.
23. ЎзР МДА, И.588, 577, 578, 583, 582, 581, 576-фондлар.
24. ЎзР МДА, И.93-фонд, 1913-1918 йй.
25. ЎзР МДА, И.572-фонд, Вадьяевлар савдо-саноат пайчилик жамиятининг Қўқондаги ёғ заводи, 1911 й.
26. ЎзР МДА, И.94-фонд, 1912-1917 йй.

Андижон давлат университети,
2013 йил 22 декабрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. И.Алимов)